

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ. КИЧИК БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШДА ХАЛҚАРО КРЕДИТНИНГ РОЛИ ВА МАНБАЛАРИ.....	6
1.1. Ҳалқаро кредитларнинг моҳияти, уларнинг шартлари ва вазифал.....	6
1.2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг моҳияти ва манбалари.....	22
2-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	29
2.1. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётининг таҳлили.....	29
2.2. Кичик бизнес субъектлари инвестицион фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан кредитлаш амалиётининг таҳлили.....	36
3-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	51
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	59

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти куриб битказилди.¹

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон тижорат банклари халқаро банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга, яъни бизнинг банклар мазкур банкларда ўзларининг «Ностро» вакиллик ҳисоб варақларига эга. Халқаро банкларнинг «Востро» вакиллик ҳисоб варақлари Ўзбекистон банкларида мавжуд эмас. Бунинг натижасида импорт бўйича тўловларни амалга ошириш, хизматлар қақини тўлаш, хорижий банкларга ва корхоналарга фоизлар ва дивидендлар тўлаш бевосита «Ностро» вакиллик ҳисоб варақни дебетлаш асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, «Ностро»нинг ишчи қолдиғини кескин тебранишига олиб келади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент-“Ўзбекистон”-2013й-8б.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунлардан бири бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Ҳар бир мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади республикамизда кичик бизнесни кредитлашда халқаро молия ташкилотларининг ролини ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб **битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар** қўйилган ва ҳал қилинган.

- халқаро кредитларнинг моҳияти, уларнинг шартлари ва вазифаларини очиқ бериш;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг моҳияти ва манбаларини аниқлаш;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш;
- кичик бизнес субъектлари инвестицион фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш;
- халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши объекти ва предмети. Ишнинг объекти халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик бизнесни кредитлаш амалиёти ҳисобланади.

Халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик бизнесни кредитлаш жараёнида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ишнинг предметини ташкил қилади.

Мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти шундан иборатки, унинг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан республикамізда кичик бизнесни кредитлашда халқаро молия ташкилотларининг ролини оширишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикамізда кичик бизнесни кредитлашда халқаро молия ташкилотларининг ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, мавзунинг назарий-амалий аҳамияти ва ишнинг таркиби ёритиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида кичик бизнесни кредитлашда халқаро кредитнинг роли ва манбалари таркиби ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётининг таҳлили кўрсатиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари ёритиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида мавзунинг ёритишда шакллантирилган хулосалар ва амалий таклифлар келтириб ўтилган.

1-БОБ. КИЧИК БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШДА ХАЛҚАРО КРЕДИТНИНГ РОЛИ ВА МАНБАЛАРИ

1.1. Халқаро кредитларнинг моҳияти, уларнинг шартлари ва вазифалари

Халқаро кредит ссуда капиталининг жаҳон оборотидаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни уч шарт асосида, яъни:

- қайтариб беришлилик;
- муддатлилик;
- фоиз тўлашлилик асосида бериш натижасида юзага келади.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари сифатида тижорат банклари, Марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро кредитни юзага келишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқаришни миллий доира даражасидан ошиши, хўжалик алоқаларининг байналминаллашув жараёнини тезлашиши, халқаро капиталларни умумлашуви ҳамда ишлаб чиқаришни маҳсуслаштирилиши ва кооперациялашуви натижаси ҳисобланади.

Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш қуйидаги принципларга асосланади:

1. Қайтариб беришлилик: агар олинган маблағлар қайтарилмаса, пул капиталини қайтариб бермаслик шакли намоён бўлади, яъни молиялаштириш юзага келади;

2. Муддатлилик, яъни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда кредитни қайтарилишини таъминлаш;

3. Таъминланганлик, яъни олинган кредитни тўлашни кафолатланганлиги;

4. Мақсадлилиқ, яъни ссудани аниқ объектларга йўналтиришни кўзлаш ва уни биринчи навбатда кредитор давлатнинг экспортини рағбатлантириш учун қўллаш.

5. Фоиз тўлашлиқ.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий алоқаларда ссуда капиталлари ҳаракатини ўзига хос хусусиятини намоён этиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш истеъмолини таъминлаш учун ссуда капиталларини мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш. Ссуда капиталлари Халқаро кредит механизми орқали фойдаси кўпроқ, даромадлироқ бўлган тармоқларга интиладилар. Шу орқали кредит миллий даромадни ўртача даромадга тенглашишига имконият юзага келтиради ва унинг массасини ошишига олиб келади.

2. Ҳақиқий пулларни кредит пулларга алмаштириш, нақдсиз тўловларни ривожлантириш ва тезлаштириш ҳамда нақд валюта оборотини Халқаро кредит операциялари билан алмаштиришлар орқали Халқаро ҳисоб-китоблар муомаласидаги сарф-харажатлар иқтисод қилинади. Халқаро кредит базасида Халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит маблағлари юзага келди - векселлар, чеклар, шу жумладан банклараро переводлар, депозит сертификатлари ва шу кабилар.

Ссуда капитали муомаласини вақтинча тежаш орқали Халқаро иқтисодий алоқалардаги капитални ишлаб чиқариш функциясини ўсишига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришига ва фойдани ошишига олиб келади.

3. Капитални бир жойга тупланиши ва марказлашишини тезлаштириш: чет эл кредитларини жалб қилиш туфайли қўшимча қийматни капиталга айланиш жараёни тезлашади, шахсий жамғармалар чегараси кенгаяди, бир давлат тадбиркорларининг капиталларига бошқа давлатнинг маблағлари қўшилиши оқибатида кўпаяди. Халқаро кредит аввалдан якка корхоналарни

акционерлик жамиятларига айланишига, янги фирмалар ва монополияларни пайдо булишига хизмат қилади.

Халқаро кредитнинг функцияларининг аҳамияти катта ва у миллий ва Жаҳон хўжалиги ривожланишига караб ўзгариб туради. ҳозирги шароитда Халқаро кредит иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажармоқда ва ўзи ҳам тартибга солиниш объекти бўлиб ҳисобланмоқда.

Халқаро кредит ўз функцияларини бажаришда иккиёқлама роль ўйнайди - позитив (ижобий) ва негатив (салбий).

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги ижобий ўрни - уни такрор ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлашда ва кенгайтиришда намоён бўлади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига туртки бўлиб хизмат килади. Халқаро кредит ишлаб чиқаришни байналминаллашувига ва айирбошлашувига, жаҳон бозорини ташкил топишига ва ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йўналишлар орқали тезлаштиради.

Биринчидан, кредит мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини рағбатлантиради, шу орқали бозорда конъюнктурани кўтарувчи талабни юзага келтиради. Ташқи савдо кредитда халқаро норма бўлиб ҳисобланмоқда. Маҳсулотларнинг баҳосини ва жаҳон савдосида машина ва асбоб-ускуналарнинг улушини ошиши экспортёрларнинг ҳам, импортёрларнинг ҳам ташқи савдо кредитларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Ҳозирги замон шароитида кредитор-мамлакатдан экспорт етказиб берувчи “боғлиқлик” кредитининг салмоғи ошди. Кредитланаётган давлатнинг товарларини сотиб олиш учун қилинадиган харажат заёмнинг шарти бўлиб ҳисобланмоқда. Худди шу орқали халқаро кредит кредитор-мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқаро кредит чет эл хусусий инвестициялари учун қулай муҳит юзага келтиради, чунки одатда кредитор-мамлакат инвесторларига имтиёзлар бериш мажбуриятлари қўйилади; инфраструктурани ташкил этиш, шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналарни фаолият кўрсатиши, халқаро капиталга алоқаси бор миллий корхона ва банкларнинг позициясини кучайишига ёрдам беради.

Учинчидан, кредит - мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига хизмат қилувчи халқаро ҳисоб-китоб ва валюта операцияларини тухтовсизлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, кредит - мамлакат ташқи савдо операцияларини иқтисодий самарадорлигини оширади ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини ривожланишига туртки бўлади.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги салбий ўрни - бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унинг қарама-қаршилигини кучайишида намоён бўлади. Иқтисодиётида номутаносиблик чуқурлашади, кредит-товарларни қайта ишлашни тезлаштиради, мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлайди ҳамда иқтисодий кўтарилиш ва даврий пасайиш давларида ишлаб чиқаришни жуда тезлаштиради. Халқаро кредит ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтиради, бунинг оқибатида даромадли тармоқлар ривожланиши осонлашади, шу билан биргаликда чет эл капитали жалб қилинмаган тармоқларнинг ривожланиши секинлашади.

Халқаро кредит - мамлакатларнинг харид бозори учун рақобат кураш курули ҳамда капитални жойлаш соҳаси, хом ашёлар манбалари, ИТТ (НТП) соҳасидаги ютуқлардир.

Кредит сиёсати кредитор мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини кучайтиришга хизмат қилади.

Биринчидан, халқаро кредитни қарз сифатида олган мамлакатдаги даромадларни қарз берган мамлакатга олиб ўтишда фойдаланилади. Шу

билан бирга ссудани қайтарувчи ҳар йилги фоиз тўловлари, жамиятнинг соф даромадининг миқдорини кўпайтирувчи, ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминловчи жамғармаларнинг ташкил топиши, шу жамғармаларнинг ташкил топиш манбалари қарздор мамлакатларга салбий таъсир этади.

Иккинчидан, халқаро кредит қарз олувчи мамлакат томонидан кредитор мамлакатлар учун қулай иқтисодий ва сиёсий муҳит яратишни таказо этади.

Етакчи мамлакатлар ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун банклар, ҳукуматлар, халқаро ва регионал валюта-кредит ва молия ташкилотлари орқали вақти-вақти билан уларга мос келмаган сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан кредит дискриминациясини ва кредит блокадасини қўллашади.

Кредит дискриминацияси - бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишдир.

Кредит дискриминациясининг асосий методлари бўлиб, кредит бўйича чеклашлар, фоиз ставкасини, комисион йиғимларни ошириш, кутилмагандан кредитдан фойдаланишни тухтатиш ёки кредит суммасини камайтириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий характердаги чора-тадбирларни кўриш шартлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро кредитдан фойдаланишда унинг иккиёқлама роли намоён бўлади, бир томондан мамлакатларнинг ўзаро фойдали алоқаларини ривожлантирса, бошқа томондан – рақобат кураши воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришнинг ва айирбошлашнинг байналминаллашуви, жаҳон ҳўжалиги алоқаларини янги шакллари вужудга келиши халқаро кредит шакллари хилма-хиллигини ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилади.

Ташқи иқтисодий операцияларни кредитлаш операцияларини координацияси учун, йирик кредит ресурсларини мобилизациялаш учун ва банк хавф-хатарини бир маромда тақсимлаш учун банклар консорциумлар, индикатлар, банк (пул) ларни ташкил қиладилар. Банклар экспорт ва молия кредитларини берадилар.

Экспорт кредити - экспортёр банкининг импортёр банкига етказиб берилган машина, асбоб-ускуна ва бошқа инвестиция қилинган товарларни кредитлашга айтилади. Банк кредитлари пул кўринишида берилади ва “боғлиқ”лик характериға эға, чунки кредит олувчи ссудадан фақатгина кредитор мамлакат товарларини сотиб олишиғагина берилади.

60-йиллардан бошлаб экспортни кредитлашнинг шакли сифатида харид кредити (5-8 ва ундан ортиқроқ йил муддатға) юзаға келди.

Харид кредитининг ўзига хос хусусияти бўлиб, экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкни кредитлаш ҳисобланади. Шу орқали импортёр керакли товарларни етказган мол етказиб берувчилар тўловни харидорға ёки банкка қарз сифатида қайд қилади. Одатда, бундай кредитлар маълум бир фирманинг товарлари ва хизматларидан фойдаланишда қўлланилади. Бундай кредитлаш шартномасида экспортёр иштирок этмайди, бу эса ўз навбатида кредитнинг баҳосини ошириш имкониятини йўқотади. Банк кредитининг харидорға бўлган нарҳи, қоида бўйича ссуда капиталлари бозоридаги заём маблағлари нарҳидан анча паст бўлади, бу эса ўз навбатида уларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро валюта-молия ташкилотлари ташкил этилган эди. Улар ичида энг аҳамиятлиси Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва қатор йирик банклар — Умумжаҳон банки (УБ), Европа тиклаш ва тараққиёт

банки (ЕТТБ), Ҳалқаро ҳисоб-китоблар банки (ҲХБ), Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқалар ҳисобланади.

1944 йил Бреттон-Вудсда (АҚШ) валюта-молия масалалари бўйича Бирлашган миллатлар ташкилотининг навбатдаги Анжумани бўлиб ўтди ва унда 44 давлат ҳукумати вакиллари қатнашди. Анжуманда қатор битимларва шартномалар, жумладан Ҳалқаро валюта фонди тўғрисида, Ҳалқаро тиклаш ва тараққиёт банки (Умумжаҳон банки) тўғрисида битимлар тузилди. Бу битимлар 28 мамлакат томонидан имзоланди ва улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида йирик жаҳон молия ташкилотларини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Ҳалқаро валюта фондининг асосий мақсади аъзо-давлатларнинг валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларга тўлов балансларини тартибга солиш ҳамда миллий валюта курсларини стабиллаштириш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади. Охирги ўн йилларда жаҳонда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор ташкилот сифатидаги роли янада юксалди.

Фонднинг молиявий ресурслари аъзо-мамлакатлар бадалларидан, шунингдек расмий ва хусусий молиявий муассасалардан бозор шартида қарзга олинган маблағлардан ташкил топади. Қарзлар аъзо-мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан, ҳамда СДР шартли бирликларидаги Маҳсус ҳисобдан берилиши мумкин.

ХВФ операцияларининг хусусияти шундаки, у маблағларни чет эл валютасини ёки СДРни миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Маълум вақтдан сўнг қарз олган мамлакат ўз қарзини фонд томонидан ўз ҳиссасидан ортиқ жамғарилган миллий валютасини сотиб олиш йўли билан қоплайди.

Умумий ҳисоб бўйича ХВФ барча аъзо-мамлакатлари хорижий валютани олтинда, конвертирланган валюта ва СДРда фонд капиталидаги ўз хиссасининг тахминан 25 фоизи чегарасида шартсиз олиши мумкин. Бу миқдордан ортиқ қарз ХВФнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тавсиялари бажарилган тақдирдагина берилади.

Кредитлаш ХВФ фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб қолиши сабабли, у йирик иқтисодий тадқиқотлар марказига айланди, бу эса унга мувофиқлаштириш функциясини самарали бажаришга имкон берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) ва Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлиги (ИКХА) каби ихтисослашган муассасаларидан ташкил этилган гуруҳ Умумжаҳон банки деб аталади.

Умумжаҳон банки умумий раҳбарлик ва балансга эга. У қарзларнинг маълум қисмини имтиёзли шартларда, баъзан текин беришига қарамай, унинг фаолияти умуман фойда келтирувчи ҳисобланади. Умумжаҳон банки хиссасига ривожланаётган мамлакатларга барча халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағлар йиллик ҳажмининг деярли 2/3 қисми тўғри келади.

Умумжаҳон банкининг асосий ташкилоти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган ХТТБ ҳисобланади. Бу ташкилотга фақат ХВФга аъзо бўлган мамлакатлар кириши мумкин.

ХТТБ нинг асосий мақсадлари — бу аъзо мамлакатлар иқтисодиётини қайта кўришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш ҳамда хусусий чет эл инвестицияларини рақобатлантириш орқали кўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз бериш.

ХТТБ нинг молиявий ресурслари банк томонидан чиқариладиган облигацияларга аъзо давлатларнинг ёзилиши йўли билан, шунингдек Халқаро пул бозорларида жойлаштириладиган облигация заёмлари

маблағларидан ташкил этилади. ҲТТБ муайян мамлакатга кредит беришда унинг иқтисодий, молиявий ва сиёсий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот талаб қилади ва у ерга экспертлар гуруҳини жўнатади. Экспертлар гуруҳи мамлакат иқтисодий ва молиявий аҳволини ҳар тамонлама текширадилар, бу хусусда аниқ тавсиялар ишлаб чиқадиладар. Агар кредит олаётган мамлакат бу тавсияларни қабул қилмаса, унга кредит берилмаслиги мумкин.

Банкнинг бошқарув кенгашида ҳал қилувчи овозга 7 етакчи мамлакат — АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Германия, Италия эга.

ҲТТБ иккита ихтисослашган шохобчага эга:

- Халқаро молия корпорацияси (ҲМК).
- Халқаро тараққиёт уюшмаси (ҲТУ).

ҲТТБнинг шохобчаси сифатида 1956 йилда яратилган ҲМК ўз шахсий ресурсларига эга бўлган мустақил юридик шахс ҳисобланади, лекин унинг фаолияти ҲТТБ билан чамбарчас боғланган. 1995 йилда унинг аъзолари 165 мамлакат эди.

Корпорациянинг асосий мақсадлари — ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, хусусий ва аралаш иқтисоддаги корхоналарни капитал қуйилмалар ёрдамида молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётни бошқаришда ёрдам бериш.

ҲМК молиявий ресурслари қуйидагилар ҳисобига яратилади:

- ҲМК акцияларига ёзилишига мувофиқ аъзо давлатларнинг бадалларидан;
- ҲМК фойдасидан ажратмалардан;
- ҲТТБ дотацияларидан;
- ҲТТБ дан қарзлар кўринишида жалб этилган маблағлардан.

Корпорация Умумжаҳон банки муассасалари ичида энг даромадли ташкилот ҳисобланади. У устун равишда ўрта муддатли қарзлар (7—12 йил

муддатга) беради. Қарз қандай валютада олинган бўлса, шу валютада қайтарилади.

Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) — 1960 йилдан ҲТТБнинг шохобчаси сифатида фаолият кўрсатмокда ва унинг мансабдор шахслари томонидан бошқарилади.

Фаолиятининг хусусияти кам ривожланган камбағал мамлакатларга ёрдам беришдир. ХТУ дан кредит олиш учун қуйидаги 4 шарт ёки ҳолат асос бўлади:

1. Кредит олаётган мамлакат жуда камбағал бўлиши керак (бу тоифага 1993 йилда ЯММ аҳоли жон бошига 690 доллар миқдорида тўғри келган мамлакатлар кирди).

2. Кредит олаётган мамлакатда иқтисодий, молиявий ва сиёсий барқарорлик бўлиши лозим.

3. Кредит олаётган мамлакат уз тулов балансида катта қийинчиликларни бошидан кечириётган бўлиши ва хорижий валютани имтиёзли шартларда олишдан бошқа имкониятларга эга бўлмаслиги керак.

4. Кредит олаётган мамлакат ривожланишга ҳақиқатда интилиши лозим ва бу унинг юритаётган сиёсатида акс этиши керак.

Кредитлар асосан иқтисодий ва ижтимоий инфраструктурани, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Жаҳон валюта тизимининг ривожланишида, валюта операциялари ва кредит оқимларини Ҳалқаро миқёсда тартибга солишда БМТ нинг ихтисослашган муассасалари қаторига кирмайдиган йирик молиявий ташкилотлар катта рол уйнайди. Уларга Европа тиклаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Ҳалқаро ҳисоб-китоблар банки (ҲХБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Ислон тараққиёт банки ва бошқалар киради.

Европа тиклаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) 1991 йилдан иш юрита бошлади ва унинг таъсисчилари 34 мамлакат ҳисобланади. Уларга Марказий Европа мамлакатлари (жумладан, собиқ Иттифоқ), АҚШ, Япония, Австралия,

Янги Зеландия, Туркия, Кипр, Мальта, шунингдек Европа ҳамжамияти комиссияси ва Европа инвестиция банки киради. У Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида тузилган.

Низомий капиталнинг 51 фоизи Европа ҳамжамияти мамлакатларига, 15 фоизи Шарқий Европа мамлакатларига (шу жумладан, собиқ Иттифокқа 6 фоиз) тўғри келади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ) ёки Базел банки молиявий операциялар олиб боришни ХВФ дан 17 йил аввал бошлаган бўлса-да, ундан ресурсларнинг миқдори бўйича ва ҳиссадор-мамлакатлар сони бўйича сезиларли орқададир. АҚШ нинг кучли таъсирида бўлган ХВФ дан фаркли равишда, ХХБ да Ғарбий Европа давлатларининг мавқеи баланд. У қисқа муддатли кредитлар беришга ихтисослашган.

Ўзбекистон қатор молиявий ташкилотлар аъзоси сифатида 80 дан ортиқ хорижий банклар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиб, Халқаро банклараро коммуникациялар (СВИФТ, “Виза Интернейшнл”) тизимларига уланган.

Ривожланган ва айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий юксалиш умумий тенденцияси мувофиқ башорат қилинувчи даврда унумли капитални олиб чиқиш суръати анча юқори бўлиши мумкин. 1-жадвалда 1981-1995 йилларда бевосита инвестицияларни олиб чиқиш АҚШ долларида кўрсатиб берилган (жорий курсларда). Валюта қадрсизланиши динамикаси 20 йилдан зиёд олдиндан тахмин қилиб бўлмайди. Шу сабабли, капитал эскпорти суръатларини башорат қилишда 1990-2015 йилларда доллар қадрсизланишининг тезлиги ўрта ҳисобда 1981-1995 йиллардаги даражада сақланган тақдирда бутун дунёда тўпланган бевосита чет эл инвестициялари қиймати 2000 йилда 5,5 трлн. доллардан 5,7 трлн. АҚШ долларигачани ташкил этган бўлса, 2005 йилга бориб 10 трлн. доллардан 12 трлн. долларгачани, 2010 йилга бориб 20 трлн. доллардан 27,6 трлн. долларгачани,

2015 йилга бориб эса 40 трлн. доллардан 60 трлн. долларгачани ташкил этиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Бевосита чет эл капитал маблағлари йўналтирилиши 1981-2015 йилларда
ошишининг ўртача йиллик суръати²**

	1981-1995	1996-2000	2001-2005	2006-2010	2011-2015
Саноати ривожланган мамлакатлар	11,7	14,0	14,5	15,0	15,0
Ривожланаётган мамлакатлар	25,7	26,0	23,0	20,0	18,0
Жаҳон бўйича	11,7	15,0	15,5	15,8	15,6

90-йиллар бошларигача капитал оқимларининг асосий улуши (салкам 4/5 қисми) Жаҳон хўжалигининг саноат жихатидан ривожланган ўзагига (у ёки бу томонга оғишлар билан) йўналтирилган, унинг улкан перифериясига чекка қисмларига) эса атиги 1/5 қисми тўғри келар эди. Бунинг соф иқтисодий сабаблари бор эди: капиталдан яқин йилларда фойда олинишини кутиш мумкин. Капиталнинг эҳтимолий йўқотишлар таваккалчилиги нисбатан унча катта бўлмаган минтақаларга йўналтирилади. Бу, аввало, минтақанинг иқтисодий ва технологик ривожланиши, унинг тармоқ тузилиши, хом ашё ва ишчи кучининг нисбий қиймати билан, иккинчидан, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, ҳукуқий тизимнинг ривожланганлиги ва пухталиги, инфляция суръати билан белгиланади. Шу сабабли, чекка минтақаларнинг чет эллик инвесторлар учун қизиқарлиги у ерларда шарт-шароитлар ўзгариши билан боғлиқдир. Чунончи 80 – йиллар мобайнида чекка мамлакатларга инвестицияланадиган капиталнинг 3/4 қисми энг динамик тарзда ўсиб боровчи тўққизта миллий иқтисодиёт (Сингапур, Бразилия, Мексика, Хитой, Малайзия, Миср, Аргентина, Таиланд, Колумбия) га йўналтирилди.

²Мировая экономика: нарастающий процесс глобализации :- М.: ИМЭМО РАН, 1998, 59-б.

90-йиллар бошида Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё «учинчи дунё» капитални ўзига тортувчи асосий марказ бўлиб қолди. Хитой ҳам шу жумлага киради. Унинг ўсиб бораётган ички бозори ва сиёсий барқорорлигини чет эллик инвесторлар истиқболда катта фойда олиш манбаи деб билмоқдалар. 80-йиллар бошидан эътиборан Марказий ва Шарқий Европа минтақаси ҳамда собиқ Иттифоқ иқтисодий макони, яъни ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда тадбиркорлик капитали миграциясининг янги йўналиши шакллана бошлади. Ўтмишда улар чет эл инвесторлари учун ёпик эди.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари миллий иқтисодиётлари «соғайгани» сайин вазият аста-секин тўғирлана борди. Бу ҳолат Ўзбекистонда ва собиқ шўро республикаларида бирмунча кечикиб такрорланмоқда.

Икки ҳолат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади: биринчиси - социализмдан кейинги хўжаликларнинг муваффақиятли ислоҳ қилиниши; иккинчиси - уларнинг ривожланаётган минтақалардаги мамлакатлар билан мусобақада чет эл капиталини олувчилар сифатида эгаллайдиган рақобатчилик мавқелари.

Шундай қилиб, ушбу даврнинг бошида аввалги тенденциянинг ўзгариши давом этади ва саноатни тез ривожлантириш босқичига кирган чекка минтақалар улуши кенгайиб боради. Айниқса, ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда бозор хўжалиги қарор топиши тугалланганидан кейин шундай бўлади.

Юқоридаги мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, тахмин қилиш мумкинки, башорат қилинадиган даврда бевосита чет эл инвестициялари олувчилар сифатида ривожланган мамлакатлар улуши мунтазам равишда камайиб боради. Ривожланаётган мамлакатлар, ҳозирги ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар улуши эса ошиб боради.

Лекин келгусида камроқ ривожланган мамлакатларда товарлар ва хизматлар импорти йўлидаги протекция тусидаги тўсиқлар даражаси пасаяди. Бу эса бевосита инвестициялаш йўлидаги тўсиқларни айланиб ўтиш заруриятини камайтиради.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида қийинчиликларни ҳам эътиборга олиш керак. Ҳалқаро экспертлар фикрича, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатларининг табиий ресурсларига дастлабки пайтларда юзага келган қизиқиши сезиларли равишда сўна бошлади. Бунга аввало минтақадаги минерал хом ашё ресурслари (табиий газ, нефт, рангли металллар ва ҳоказалар) захиралари янада реал баҳоланиши, шунингдек, хом ашёга Жаҳондаги нархлар пасайганлиги сабаб бўлди. Холбуки, чет эл инвестициялари ва Ўзбекистонда хорижий инвесторларга кафолатлар бериш тўғрисида янги қонунлар қабул қилинган эди. Шунга қарамай, юқорида айтилган ҳолат рўй берди.

Бу ўринда Ўзбекистонда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш йўлида тўсиқ бўлаётган асосий омиллар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражаси юқори эмаслиги туфайли мамлакат ички бозори чет эллик шериклар учун унча қизиқарли эмаслиги;
- миллий молиявий тизимнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, нотўловлар мавжудлиги, хусусий инвестициялар даражаси юқори эмаслиги, хусусий тадбиркорлик яхши ривожланмаганлиги ва маҳаллий корхоналар тўғрисида ишончли ахборот етарли эмаслиги;
- бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишда камчиликлар борлиги;

- аввало, ўз билимлари ва малакалари етишмаслиги сабабли, ишдан маҳрум бўлишлари мумкинлиги туфайли корхоналар раҳбарлари ва ишчилари чет эл инвесторларга ишончсизлик билан қараётганлиги;

- мамлакатимизга ва мамлакатимиздан ташқарига юк етказиб бериш ва жўнатиш транспорт харажатлари юқори даражадалиги ва бу ишларни амалга оширишда вақт кўп бой берилиши, экспорт ва импорт қилишдаги расмийлаштиришлар ҳамда маъмурий ва божхона талабларини бажаришдаги транзакция сарфлари кўплиги;

- иш ҳақидан солиқлар олинishi ва ижтимоий тўловлар юқори даражадалиги корхоналарга сезиларли юк бўлаётганлиги;

мамлакатимизга нуфузли халқаро рейтинг агентликлари бераётган инвестиция рейтинглари унча юқори эмаслиги ва ҳоказолар шу жумлага киради.

1.2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг моҳияти ва манбалари

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни банк тизими орқали жалб қилишга алоҳида эътибор қаратди. Республикамизга кириб келаётган барча хорижий инвестициялар банк тизими орқали кириб келсада, уларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси: йирик лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари орқали кредит линиялари очилмоқда. Бундай йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга жаҳон банкининг соғлиқни сақлаш ва шаҳар санитар (узелларини) коллекторларни тозалаш лойиҳалари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси, хорижий банкларнинг соҳалардаги қўшма корхоналарни ташкил этишдаги вакиллик, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро молия институтларининг кредит линияларини мисол келтириш мумкин.

Иккинчиси хорижий инвестициялар бевосита тижорат банкларининг бевосита устав фондига киритилади. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан тижорат банкларини ташкил қилиниши мижозларга чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматларда рақобатни кучайтиришга, мижозларга хизмат кўрсатишда ҳалқаро меъёр ва андозаларга тенглашиш имкониятини беради. Хорижий инвестиция билан бирга ташкил этилган қўшма банкларга 1993 йил очилган Ўзбекистон-Туркия (ЎТ) банкини мисол келтириш мумкин. ЎТ банк Туркиянинг “Зираат банкиси” ва Республикамиздаги “Агро банк” томонидан ташкил этилган бўлиб, 20 йилдан кўпроқ вақт давомида фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда: 1996 йилда Ўзбекистон АБН-АМРО банки, 1997 йил Ўзбекистон ДЭУ банк ва Ўзбекистон Приват банки-Голландия Мис Пирсон банки капитали иштирокида ташкил қилинди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларида қатор хорижий банклар иштирокида қўшма банкларнинг вужудга келиши юртимизга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортаётганидан далолат бермоқда эди. Шунинг билан хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш учун уларга ҳалқаро андозаларга асосан барқарор банк тизими ҳақида ҳалқаро аудит фирмаларининг ижобий хулосалари керак бўлар эди. Мана шу мақсадда 1996 йил 24 апрелда мухтарам Президентимизнинг “Тижорат банкларини ҳалқаро аудит фирмалари томонидан текшириш ташкил этиш тўғрисида” қарори чиқди. Ушбу қарорга асосан Республикамиздаги барча тижорат банлари ҳалқаро аудит компаниялари томонидан текширилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилди. Қарорни ижро этиш мақсадида Марказий банк томонидан бутун жаҳонда нуфузли бўлган 5 та аудит фирмалари жалб қилиниб, Республикамизда рўйхатдан ўтказилди. Республикамиздаги барча тижорат банклари (улар 30 та эди) 5 та гуруҳга бўлиб ҳалқаро аудит текширишларидан ўтказилди. Юқоридаги текширишлар натижасида ҳалқаро аудит компаниялари таклиф

ва тавсиялари республикамиз банк тизимининг халқаро меъёр ва андозалар асосида ислоҳ қилишнинг бошланиш нуқтаси бўлди. Халқаро андозалар асосида янги ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан тижорат банклари янги балансга эга бўлишди ва 1997 йил 1 мартдан амалиётга жорий этилди.

Янги баланс таркиби тубдан ўзгарди. Баланс активлари ликвидлилик тамойили бўйича, тижорат банки баланси пассивлари эса муддати бўйича жойлаштирилди. Юқорида амалга оширилган ислохотлар натижасида банк тизимига келаётган хорижий инвестицияларнинг ҳажми янада ошиб борди. Жумладан, Эрон Содерот банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банкига 1999 йил 21 августда банк операцияларини амалга оширишга лицензия берилди. Бундан ташқари банк акциядорларининг 2006 йил 12 майдаги умумий йиғилиши қарорига асосан савдо ва тижоратга кўмаклашувчи “Савдогарбанки” акциядорлик тижорат банки номига ўзгартириш киритилиб, банкка чет эл капитали иштирокидаги банк мақоми берилди.

Халқаро молия корпорацияси ОАТБ “Ҳамкорбанк” билан узоқ йиллар кредит линиясини очиш билан ҳамкорликдан кейин 2010 йил банк устав фондига сармоя киритишга қарор қилди ва устав фондининг салкам 14% акцияларига эгалик қилди. Ҳозирда уни кўпайтириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганига 18 йилдан ошди. Ўтган йиллар давомида ОТБ Ўзбекистон иқтисодиётининг тузилмавий ўзгаришлар ва диверсификациялашувида муҳим рол ўйнаб, республиканинг муҳим ҳамкорига айланди. Ўзаро ҳамкорлик таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, энергетика соҳаси инфратузилмаси ва йирик қувватга эга корхоналарнинг модернизацияси, темир йўл ва автойўл инфратузилмаси, коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги соҳаси, молия соҳаси ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши

йўлидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан бирга банк тизими билан ҳам ҳамкорлик қилиш ишларини амалга оширилмоқда. Жумаладан, Осиё тараққиёт банки «Ипак йўли» банкининг 3 425 984,5 АҚШ доллариға ёки 7038 млн. сўмға тенг бўлган 13,56 фоизли янги акциясига эга бўлиб, тўла ҳуқуқли акциядорига айланди. Ушбу операциянинг ўзига хос хусусияти сифатида маблағнинг суверен кафолатисиз инвестиция киритилганини кўрсатиш мумкин.

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31%и иқтисодиётининг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич салкам 55%ни ташкил этди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438- сонли Қарорига асосан “2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар” Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурнинг 9-бўлими айнан “Кичик бизнес субъектларини ва хусусий тадбиркорликни кредит-молиявий қўллаб-қувватлаш” деб номланади. Унда бир қатор чора-тадбирлар билан биргаликда 2011-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини 2,7 баробарга кенгайтириш, кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини ўзлаштириш ва жалб қилишни фаоллаштириш, бунда кўрсатилган молиялаш манбалари ҳисобидан 2011 йилда–75 млн. долл., 2012 йилда–90 млн. доллар, 2013 йилда–110 млн. доллар, 2014 йилда–130 млн. доллар ва 2015 йилда–155

млн. доллардан кам бўлмаган ҳолда молиялаштиришни таъминлаш вазифалари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг 4-февралидаги ПҚ-1474 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, унга кўра тадбиркорлик субъектларининг молиявий–хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идоралари-нинг аралашувини кенг миқёсда камайтириш, янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг ташкил этилиши ва рўйхатга олиниши, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, уларнинг қурилиш ишларини ташкил этиш, инженер-коммуникация тизимларига уланиш каби масалаларини ҳал қилиш жараёнларини соддалаштириш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш молиявий, солиқ ва статистик ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ушбу дастурда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредит миқдорини 3.368.7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Республикаimiz иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнеснинг ўрни ортиб бораётган экан, бу соҳанинг ривожланишига халақит бераётган муаммо-ларни бартараф қилиш лозим бўлади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъект-ларини кредитлаш операцияларини янада кенгайтириш тадбиркорлик субъект-лари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни

сотиш учун янги имтиёзлар бериш, ўз маҳсулотларини нафақат республикамиз ҳудудида, балки халқаро бозорларда бемалол сотиш механизмини ишлаб чиқиш, каби вазифаларни амалга ошириш орқали уларнинг ривожланишига кенг йўл очиб бериш мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади, бироқ келгусида бунинг ҳажмини ошириш учун кичик бизнес субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлаш зарур бўлади.

Халқаро амалиётдан маълумки, кичик бизнес субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қуйидаги манбалри мавжуд:

- кичик бизнес субъектлари вакилларининг ўз маблағлари;
- беғараз молиявий ёрдамлар ва ҳомийлик маблағлари;
- давлат томонидан бериладиган субсидиялар ва бошқа ривожлантириш маблағлари;
- тижорат банклари кредитлари;
- солиқ имтиёзлари ҳисобидан вужудга келадиган маблағлар;
- бошқа молиявий манбалар ҳисобланди.

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви шароитида кичик бизнес субъектларини давлат томонидан солиқ, божхона ва молия-кредит йўналишида қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш орқали иқтисодиётда қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилади. Ушбу масалага мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов алоҳида тўхталиб, “Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални

шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим” - дея таъкидлаганлари бежиз эмас³.

Кейинги йилларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий маблағлар билан таъминлашда амалга оширилган ислохатлар, уларнинг мамлакат иктисодиётидаги ролини кучайтиришга, молиявий барқарорлигини оширишга, иктисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кредитлаш ва уларни молиявий маблағлар билан таъминлашда қатор муаммоларнинг мавжудлиги тижорат банклари кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигининг пасайишига сабаб бўлади.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини етарли маблағлар билан таъминлашда, арзон ва қулай кредит ресурсларини таклиф этишда, кредитларни олишда расмийлаштириладиган ҳужжатларга қўйиладиган талабнинг юқорилиги, айниқса кредит учун гаров масаласи ҳозирги кунгача ўзининг ижобий ечимини топмаяпти.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашда тижорат банклари кредитларини аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– кичик бизнесни субъектларини кредитлашда тижорат банклари кредитлари таъминоти сифатида олинадиган гаров соҳасидаги муаммоларни ечимини топиш, яъни енгиллаштириш мақсадга мувофиқ;

³ И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 21.01.2011й

– кичик бизнес субъектлари тўловга лаёқатлилигини баҳолаш ва қисқа мудатларга кредит бериш борасида халқаро банк амалиётида ижобий жихатларга эга бўлган тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Хусусан, овердарфат, контокоррент кредитлари шулар жумласидандир;

– республикамиз йирик тижорат банклари кредит портфели таркибида кичик бизнес субъектлари фаолиятига йўналтириладиган кредитлар ҳажмини рағбатлантириш йўллари орқали оширишга эришиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тижорат банклари кредитлари орқали кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб, улардан самарали фойдаланишга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожига ва аҳолининг турмуш даражасини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

2-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётининг таҳлили

Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб тизимга эга бўлиб, улар турли мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги ҳамда давлатларнинг ўзаро муносабатларини ўз ичига олади. Бу муносабатларнинг мазмуни хилма-хил бўлиши мумкин. Ҳалқаро мулкӣ муносабатларга товарлар, маҳсулотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ, шунингдек, икки ва ундан ортиқ мамлакатларнинг банклари ёки бошқа корхоналари ўртасидаги ссудалар, кредитлар ва заёмлар бериш бўйича муносабатларни, яъни Ҳалқаро молия ва кредит муносабатларини ҳам киритиш мумкин.

Халқаро кредит муносабатлари ривожланиши Жаҳон ссуда сармоялари бозори шаклланишига замин яратади. Ушбу бозорда қарз маблағларига талаб ва таклиф механизми воситасида Жаҳон молия ресурслари жамланади ва қайта тақсимланади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидалар бўлиши лозим:

1). Мамлакатимиз миллий манфаатларига жавоб берувчи ва уни Жаҳон хамжамиятидаги ўрнини таъминловчи Ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2). Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонуний асосларини ўрнатиш.

3). Мулкчилик кўринишининг турли шаклларида катъий назар, Ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолияти ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Республика Ташқи иқтисодий комплекси таркиби қуйидаги ташкилотлардан иборат:

-Республика Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлайди, унинг норматив базасини ишлаб чиқади ва Халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракатига умумий раҳбарликни ва улар устидан назоратни амалга оширади;

-Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги - ягона Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни, Халқаро алоқаларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкилотлар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди; ТИФни тартибга солишнинг давлат усуллариини ишлаб чиқади ва қўллайди; вазирликка тақдим этилган рўйхатга мос келувчи маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт операцияларни ўтказди; ТИФ субъектлари томонидан тузиладиган Ташқи иқтисодий шартнома ва келишувларни текширишни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий фаолият банки ёки Республика Миллий банки:


- Ташқи иқтисодий операцияларга хизмат кўрсатади, экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимлар тузади;

- корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг валютадаги ҳисоб-китобларини олиб боради;

- хорижий валюта сармояларни жалб қилади, уларга хизмат кўрсатади, валютадаги кредит захираларини йиғади ва валютада кредитлашни амалга оширади;

-валюта захираларини яратади, сақлайди ва республика валюта манфаатларини ҳимоя қилади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилган кредитлар динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин:




1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар (млн. АҚШ доллари)⁴

Расм маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, республикамизда хорижий кредит линиялари миқдори 2012 йилда 2011 йилга қараганда 49,8 млн.АҚШ долларига камайган. 2010 йилда эса, 2009 йилга қараганда 18,7 млн.АҚШ долларига камайган. 2006-2009 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўсиб борган. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий


⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари-2013йил.

тадбиркорлик субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2006 йилга қараганда қарийб 60 фоизга ошган.



2-расм. ЕТТБ томонидан Ўзбекистонга йўналтирилган кредит линиялари миқдори (млн.евро)⁵

ЕТТБ томонидан Ўзбекистонга йўналтирилган кредит линиялари миқдори 2010-2012 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Яъни, 2012 йилда ЕТТБнинг Ўзбекистонга йўналтирган кредитлари миқдори қарийб икки баробардан кўп камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири, бугунги кунда давлат қафолати остида жалб этиладиган маблағлар миқдорининг камайиб бораётганлиги билан изоҳланади.



3-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар миқдори⁶

⁵ЕТТБнинг йиллик ҳисоботи-2012 йил.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари-2013йил.

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан ўтган 2011 йилда халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 291 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган.

Дунёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурларга қарамасдан айрим мамлакатларда макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларида иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашувини аксарият иқтисодчилар инқирознинг иккинчи тўлқини сифатида баҳолашиб, евро ҳудуди ва Европа Иттифоқининг парчаланиб кетишини башорат қилишмоқда.

“Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси деярли ҳал этилмасдан қолмоқда, реал иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, жаҳон бозорида харид

талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда”⁷.

Агар мамлакатларни ташқи қарзи ҳажмининг мутлақ миқдори бўйича гуруҳлаштирадиган бўлсак, 2011 йилда АҚШ ушбу кўрсаткич бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Аммо мамлакат ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати кўрсаткичини оладиган бўлсак, унда Ирландия ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан деярли 11 марта, Буюк Британияда 5 марта, Нидерландия ва Гонконгда 4 марта юқори эканлигини кўриш мумкин.

АҚШ давлат қарзи ўсишда давом этиб, ЯИМга нисбатан 100%дан ошди. Бу ўринда АҚШ дунёда энг йирик ҳажмли иқтисодиётга эга эканлиги, бундан ташқари эмиссия даромадини олиш имконияти мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Демак, АҚШ қарз юкининг ўсиб бориш тенденцияси сақланиб қолганда ҳам иқтисодий ўсиш имкониятига эга бўлади.

Таҳлиллар энг юқори қарз юки даражаси Японияга тегишли эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич 2011 йилда давлат қарзи мамлакат ЯИМга нисбатан 226%га тенг бўлди. Япония ҳозирга қадар цунами оқибатларини бартараф этиш учун миллий валютада ички молиявий мабълағлар ҳисобидан катта миқдорда маблағ сарфламоқда. Давлат қарзи ҳажми бўйича кейинги ўринларни Греция, Италия эгаллайди.

Жаҳон амалиётида Ҳалқаро иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва тартибга солишда юқорида санаб ўтилган битим ва шартномалардан ташқари қатор бошқа ҳужжатлар ҳам қўлланилади. Бу ҳужжатлар мажбурий ёки тавсиявий бўлиши мумкин. Тавсиявий характерга эга бўлган ҳужжатлар қаторидан, 1974 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Давлатлар иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013й.-19б.

Хартиясини ажратиш мумкин. Унда Янги Ҳалқаро Иқтисодий Тартибни (ЯХИТ) ўрнатувчи асосий қоидалар қамраб олинган:

- ҳар бир давлатнинг ўз бойлиги ва фаолият соҳасидаги мустақиллиги;

- дунё бўйича ҳом ашёлардан фойдаланиш дастурларини бирлаштириш;

- саноати ривожланган мамлакатлар бозорида ривожланаётган мамлакатлар маҳсулотлари сотилиши йўлидаги тўсиқларни йўқотиш;

- ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли асосда технологиялар бериш;

- трансмиллий корпорацияларнинг салбий таъсирини чегаралаш;

- жаҳон валюта тизимини ислоҳ қилиш.

Бу меъёрлар ва талаблар БМТ нинг барча иқтисодий ташкилотлари фаолиятида ривожланди ва 25 муҳим дастурда ўз ифодасини топди.

Бошқа муҳим бир ҳужжат бўлиб 1980 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва тавсиявий характерга эга бўлган, чегараланган амалий ишчанликни назорат қилиш бўйича адолатли қоидаларнинг кўп томонли асосда келишилган Кодекси ҳисобланади.

Чегараланган амалий ишчанлик (ЧАИ)—бу ўзининг бозордаги мавқеини суйистеъмол қилаётган корхоналар, бирлашмаларнинг фаолиятidir. Улар рақобатни чегаралайди, демпинг нархларини қўллайди, халқаро савдо қоидаларини бузади.

Шунинг учун кўп мамлакатлар рақобатни ҳимоялаш ва ЧАИ билан курашиш бўйича қонун лойиҳаларига эга. Бу қоидалар халқаро даражада биринчи бор УСТ ва ЕХ да қабул қилинган. Уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қабул қилиниши рақобат соҳасида кенг қўламли халқаро тизим барпо этишни бошлаб берди. Бу тизим давлат ва корхоналар даражасида кўрсатилаётган рақобатга қарши ҳаракатларнинг барча турларини ягона назорат остига олишга имкон беради:

- амалий ишчанликни чегараланганлигини;
- ишлаб чиқаришни умумлашувини;
- давлат субсидияларини;
- тариф ва нотаиф чеклашларни.

Бу нисбатан каттик қоидалар ҳозирги вақтда тавсиявий характерга эга. Ҳар бир мамлакат ўз Ташки иқтисодий фаолиятини фақат халқаро қонун лойиҳалари, меъёрий ҳужжатларга асосланиб тартибга солади.

Улар ўртасидаги қарама-қаршилик қанчалик паст даражада бўлса, халқаро муносабатларни шакллантириш шунчалик осон кечади.

2.2. Кичик бизнес субъектлари инвестицион фаолиятини ташқи манбалар ҳисобидан кредитлаш амалиётининг таҳлили

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёселигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг манбаларидан бири бу – Халқаро молия ташкилотлари ва чет эл банклари томонидан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан очилаётган кредит

линиялари ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар йирик сармояларни талаб қилади.

Хорижий кредит линиялари тижорат банклари томонидан жалб қилинган бўлиб, жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни сотиб олишга кредит ажратиш йўли билан кичик бизнес субъектларини қўллаб – қувватлаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда, кичик бизнес корхоналарида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий кредит линиялари катта аҳамиятга эга. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар, кичик бизнес субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошқа хом ашё ресурсларини қайта ишлашни ҳамда бошқа кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга берилади. Чунки экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқаришга энг янги техника ва технологияларни жорий этиши зарур. Тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини ушбу жабҳага жалб этилиши орқали, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тезлаштирилмоқда.

Хорижий кредит линиялари асосан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банк, Асака банк, Агро банк, Ипак Йўли Банк, Микрокредитбанк, Ипотека банк ва банклар томонидан жалб қилинган ва ўзлаштирилмоқда. Юқоридаги банклар томонидан ҳозирги кунда Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт ва тикланиш банки, КФВ Германиянинг тараққиёт ва тикланиш банки, ОПЕК фонди ҳамда Италиянинг “Национале де лаворо” банклари кредит линиялари жалб қилинган.

Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади.

Бугунги кунда тижорат банклари даромадларини шакллантиришда кредит операцияларининг роли катта бўлсада, уларнинг инвестицион фаолияти республикаимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилиши, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда аҳамиятлидир. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти йилдан-йилга ортмоқда.

Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш”, «2012 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди.⁸

⁸ 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”-Т.: -2013й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июнда имзоланган ПҚ-1166-сонли Қарорига биноан тижорат банкларига қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;

-тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар - йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш жорий этилди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг асосий кўрсаткичларига баҳо берамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг асосий кўрсаткичлари⁹

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
				млрд.сўм	%
Умумий активлар	21106	27 453	35744	14638	141,0
Тижорат банклари кредит қўйилмалари	11539	15652	20392	8853	143,4
Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар	2690	4 041	5346	2656	149,7
Инвестицион кредитлар	3252	4 444	5760	2508	143,5

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари-2013 й.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари активлари таркибида инвестицион кредитлар салмоғи кам. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклари инвестицион кредитлари миқдорининг йиллар мобайнида ўсиш динамикаси бошқа активлар билан деярли бир хил тарзда ўсиб бормоқда. 2010 йилда тижорат банклари инвестицион кредитлари миқдори 3 трлн.сўмдан ортиқ бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб қарийб 6 трлн.сўмга етди.

Республикамиз акциядорлик тижорат банкларининг инвестиция ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ҳисобот материалларини таҳлил қилганимизда инвестиция операциялари таркибида корпоратив, давлат ташкилотлари, хусусий ташкилотлар облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар мавжуд. Инвестициялар бўйича мавжуд йўқотишларга ажратилган резервлар қарийб мавжуд эмас. Бу эса, бугунги кунда кўпгина тижорат банкларимизнинг фақат ички инвестициялар билан шуғулланаётганларидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши республикамиз тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз:

- ҳукумат кафолати остида жалб этилаётган инвестицияларнинг камайиб бораётганлиги шароитида республикамиз тижорат банкларининг еврооблигациялар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш лозим. Бу эса, ўз навбатида хусусий шахслар ва ташкилотларнинг четдан жалб этиладиган инвестициялари учун банк кафолати сифатида рол ўйнаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операцияларини ривожлантириш лозим. Чунки, Марказий банк қимматли қоғозлари ва облигацияларига қилинган инвестициялар бошқа инвестицион операцияларга нисбатан анча ишончли бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш улар фаолиятини кенгайтириш ҳамда уни

техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, республикада кичик бизнес субъектларини кредитлашга, шу жумладан, уларга берилаётган узоқ муддатли кредитлар беришга банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. 2010 йилда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг умумий миқдори 2690 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, ушбу кўрсаткич 5345 млрд. сўмни ташкил этди¹⁰.


Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес субъектларига берилаётган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган инвестицион кредитлар муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, 2012 йилда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилди. Бу эса, 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп демакдир¹¹. Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектларига имтиёзли ставкада (йилига 5%) микролизинг хизматининг кўрсатилаётганлиги уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда муҳим, ўзига хос ўрин тутди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳалари қийматини унчалик катта эмаслиги ва уларнинг бозор конъюнктурасига мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги микролизингнинг улар учун инвестицияларни молиялаштириш шакли сифатидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шу ўринда, кичик бизнес субъектларига нисбатан қўлланилаётган молиявий

¹⁰ Хусанов Н.Б. “Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”нинг асосий йўналишлари ҳамда унинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари тўғрисида. – Тошкент, 2013.

¹¹ Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: барқарор ривожланиш, халқаро мезонларга эришиш йўлида//Bozor, pul va kredit. – Тошкент, 2013. - №1. - Б. 8.

имтиёзларнинг улар фаолиятини молиялаштириш жараёнига ижобий таъсир этаётганлигини таъкидлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига мувофиқ, кичик бизнес субъектларининг, яъни микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқаришга янги техника ва технология жорий қилинганда солиқ солинадиган база улар қийматининг 25 фоизига камайтирилади. Бунда солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади¹².

Юқорида эътироф этилган ютуқли жиҳатлар билан бирга, кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири – хорижий кредит линиялари орқали жалб этилаётган инвестицион кредитларнинг баҳосини юқори эканлиги ҳисобланади.



ОТБ-Осиё тараққиёт банки; ЖКФ – Германиянинг Жамғарма кассалари фонди; КфВ-Германиянинг тараққиёт банки.

4-расм. Хамкорбанк, Халқ банки ва Ипак йўли банки орқали хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан хорижий валютада берилган инвестицион кредитларнинг йиллик фойиз ставкаси¹³

¹² Гадоев Э.Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш омиллари. – Тошкент, 2013.


¹³ Шайхов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожда банкларнинг тутган ўрни. – Тошкент, 2012.

4-расм маълумотларидан кўринадик, республикамиз тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилган кредитлар кичик бизнес субъектларига қимматга тушмоқда. Бу эса, уларнинг инвестицион харажатларни молиялаштириш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётидаги долзарб муаммолардан яна бири – бу уларнинг пул оқимини заифлиги ва балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги муаммосидир.

Кичик бизнес субъектларининг аксарият қисмида пул оқимининг заифлиги уларни гаровсиз кредитлаш имконини бермайди. Юқори ликвидли гаров объектлари эса, уларнинг балансида мавжуд эмас. Бундан шароитда суғурта компанияларининг суғурта полиси тижорат банклари кредитлари учун таъминот вазифасини ўташи мумкин. Аммо республикамиз тижорат банкларининг суғурта компанияларига нисбатан ишонч даражасини юқори деб бўлмайди.

Бизга маълумки, иқтисодиётни самарали бошқаришнинг энг аҳамиятли ва унутилмас шартларидан бири бу ҳар бир мамлакат ресурслари имкониятининг чекланганлиги билан изоҳланади. Корхоналар фаолиятида ушбу чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари бундай шароитда турли мулкчилик шаклига эга бўлган бир қанча корхоналар вужудга келади. Бу эса, ўз-ўзидан рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу ҳолатда корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарда пул маблағларидан самарали фойдаланиш, пул маблағларининг айланувчанлигини ошириш ҳамда тижорат банклари орқали жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларини инвестицияларга йўналтириш талаб этилади.



5-расм. 2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар таркиби (млн.АҚШ доллари)¹⁴

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, ҳукумат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестициялар ва кредитлардаги салмоғи 20,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳолат, тижорат банклари инвестицион жозибадорлигини янада ошириш кераклигидан далолат беради.

**3-жадвал
Банк инвестициялари тўғрисида солиштирама маълумот¹⁵**

№	Банк номи	01.01.2012 йил ҳолатига	01.01.2013 йил ҳолатига	ўтган йилга нисбатан		Жами инвестициялар- даги улуши
				(+;-)	%	
1.	Миллий банк	621 701	782 466	160 766	125,9%	55,47%
2.	Халқ банки	73 996	135 344	61 349	182,9%	9,59%
3.	Асака банк	89 824	92 761	2 938	103,3%	6,58%
4.	Саноатқурилиш банк	72 052	86 636	14 585	120,2%	6,14%
5.	Агробанк	58 677	61 889	3 212	105,5%	4,39%
6.	Бошқа банклар	199 237,6	251 483,5	52 245,9	120,8%	17,83%
	Жами	1 115 487,6	1 410 579,5	295 091,9	126,5%	100,0%

¹⁴ Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари-Тошкент.-2013й.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий маълумотлари асосида ҳисобланди.

Юқоридаги маълумотлар асосида шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари ичида биргина ТИФ Миллий банкнинг бугунги кунда инвестицион фаолияти бошқа тижорат банкларига қараганда анча самарали йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Буни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- ТИФ Миллий банк активлари ва хусусий капиталнинг бошқа тижорат банклари активлари ва хусусий капиталига нисбатан салмоғининг юқорилиги;

- ТИФ Миллий банк фаолиятининг бошқа тижорат банкларига нисбатан ташқи манбаларга боғлиқлиги юқорилиги эканлиги (01.01.2013 йил ҳолатига ТИФ Миллий банк фаолиятининг ташқи манбаларга боғлиқлиги 55,26 фоизни ташкил этди¹⁶.)

Юқоридагиларда келиб чиққан ҳолда қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши тижорат банклари инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади деб ўйлаймиз:

- давлат инвестиция дастури доирасида хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишда тижорат банклари томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатлаштирилган кредитлаш усулидан самарали фойдаланиш;

- республикаимиз банк тизимида хусусий капитални жалб этиш мақсадида молия-саноат гуруҳлари фаолиятига кенг йўл очиб бериш ва ҳ.к.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

- 1) мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий маълумотлари асосида ҳисобланди.

2) валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт иилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради;

3) 2008 йилга қадар жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестицион дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультипликатор самарасини ҳаракатга келтирди;

4) давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўтадиллашуви, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқиш имконини берди.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чоратадбирлар туфайли 2000–2012 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир¹⁷.


¹⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. б. 7.

Ўзбекистонда 2000-2012 йилларда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)¹⁸

Кўрсаткичлар	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2012
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ички	76,7	78,3	81,5	75,5	70,0	67,6	70,9	78,3
Ташқи	23,3	21,7	18,5	24,5	30,0	32,4	29,1	21,7
шу жумладан:								
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3,4	14,9	13,4	20,6	24,9	27,8	25,3	17,2
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	19,9	6,8	5,1	3,9	5,1	4,6	3,8	4,5

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида нефтгаз тармоғининг улуши – 55,5%ни, алоқа соҳасининг улуши – 7,4%ни, энергетика соҳасининг улуши – 4,9%ни ташкил этди. Жалб этилаётган хорижий инвестициялар географик таркибида иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, йирик қўшма инвестицион лойиҳалар амалга оширилаётган Хитой – 35,7%, Россия – 26,8%, Корея Республикаси – 3,3% каби мамлакатлар улуши юқори ҳисобланади (6-расм).

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



6-расм. Давлат инвестиция дастури доирасида жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг географик ва тармоқ таркиби, 2012 й¹⁹.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий тақрибида номуносибликлар, тадбиркорларнинг етарли даражада иқтисодий билимга эга эмаслиги, иқтисодий таҳлилларни йўқлиги, маҳаллий идора вакиллари музокаралар ўтказиш кўникмаларига эга эмаслиги, хорижий сармояли корхоналарни зарурий инфратузилма билан таъминлашга юзаки қараш ҳоллари мавжуд.

Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтақалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг улуши оз ҳисобланади.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

3-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳам оқилона ва баққуват инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жихатдан боғлиқдир. Президент И.А Каримов таъкидлаганидек, «эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди».²⁰

Ўзбекистон Ҳукумати мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратиш учун анча ишларни амалга ошириб борилди, мамлакатда сиёсий барқарорлик сақлаб турилди, инвесторлар маблағлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик базаси яратилди, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қатор имтиёз ва ҳуқуқлар берилди. Бунинг натижасида эса сўнгги йилларда республикада хорижий инвесторлар иштирокидаги инвестицион лойиҳалар сони кескин равишда ошди. Бундай ижобий ҳолат иқтисодиётга сармоя сифатида киритилган ҳар бир доллардан экспорт тушуми кўринишида аниқ натижа олингандагина реал иқтисодий самара беради. Бошқача айтганда, йирик капитал қуйилмалар маҳсулот ёки хизматлар экспортининг ўсиши орқали ўзини оқлаши мумкин.

Хорижий кредит линиялари ҳисобига маблағ билан таъминлашнинг устувор ҳуқуқи:

- экспортга мўлжалланган маҳсулотлар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш бўйича;

²⁰И.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи газ. 2013 йил 22 январь.

- машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар;
- кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестиция лойиҳалари эга бўлади.

Республика кичик тадбиркорлик субъектлари буюртмаларини шакллантириш ҳамда хорижий кредит линияларига танлов асосида киритиш учун республика минтақаларида чет эл кичик технологиялари ва ихчам асбоб-ускуналарининг, уларни етказиб берган ва намойиш этган ҳолда, кўргазма-такдимотларини ўтказди.

Кичик технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда хорижий кредит линиялари бўйича намунавий инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни хорижий кредит линияларининг ваколатли ижрочи банкларининг кредит бериш шартларидан келиб чиққан ҳолда "Ўзинвестлойиҳа" компанияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда амалга оширади.

Кичик бизнес субъектларини танловига кўра хорижий кредит линиялари ҳисобига инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш намунавий ёки якка тартибдаги лойиҳалар бўйича амалга оширилади.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, ҳудудий миқёсда кичик бизнес субъектлари молиявий лойиҳаларини танлаб олиш ва экспертизадан ўтказиш борасида маълум муаммолар мавжуд. Жумладан:

- ҳудудларда устувор инвестицион лойиҳаларни танлаб олишда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

- устувор лойиҳаларни баҳолаш ва уларни таъминлаш учун етарли ахборот ва статистик маълумотлар манбаларига эга эмасликлари;

- ҳанузгача кичик бизнес субъектларини жойларнинг ўзида тўлиқ ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

- кичик тадбиркорлик субъектларига кредит олиш учун зарур бўлган техник-иқтисодий ва юридик ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ишлаб чиқиш

ва танлаб олиш бўйича хизматларнинг тўлиқ комплексини тақдим этиш: "Ўзинвестлойиха" республика инжиниринг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва тижорат банклари томонидан; якка тартибдаги лойиҳалар бўйича "Ўзинвестлойиха" компанияси ва тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Лекин ҳудудий миқёсда мазкур муассаса мутахассисларининг тезкор, амалай ва ташкилий жиҳатидан зиммаларидан вазифаларни ҳал этишда лоқайдликлари учраб турмоқда.

Хорижий кредит линияларининг ваколатли ижрочи банкларига кичик бизнес субъектида гаров таъминоти етарли бўлмаган тақдирда:

- келгуси ҳосил учун фьючерс контрактлари ёки кредит ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналар билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари;

- кредит ҳисобига сотиб олинадиган, кейинчалик ким ошди савдосида сотиладиган ёки ўзининг гаров эгаси ҳуқуқини сотиш чоғида лизингга бериладиган хорижий ихчам асбоб-ускуналарни гаров сифатида олиб қўйиш твсия этилган.

- тижорат банклари томонидан кичик корхоналарга хорижий кредит линияларига киритиш учун инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва танлаб олиш бўйича бепул хизматлар кўрсатилиш вазифалари юклатилган.

Имкониятга эга бўлган қарз олувчи томонидан ваколатли банкка ҳужжатлар тўлиқ пакети билан буюртманомга берилган санадан бошлаб тегишли кредит шартномасини имзолашгача бўлган энг кўп муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Мазкур ҳолатларни қатъий ижросини доимий назорат этувчи ҳар бир регион ва ҳудудларда “Бизнес инкубатори” марказларни ташкил этиш ва фаолиятини марказлашган электрон локал тармоқлари бўйича кунлик ҳисоботлар орқали назорат қилиб боришни мунтазам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек ишлаб турганларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ республика ҳудудига олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контракти шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган лойиҳалар бўйича махсус ҳафталик ва ойлик рўзномаларда ҳамда теле-радио орқали маълумотлар бериб боришни кучайтириш лозим.

Ҳаммага маълумки иқтисодиётимизни ривожлантириш ҳамда жаҳон андбазлари даражасида сифатли қилиб маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун чет эл валютасидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи манбалар асосида молиялаштирилиб келинмоқда. Бундан билиш мумкинки Республикамизда ташқи ва ички инвестицияларга шароитлар яратилган бўлиб, лекин ҳозирги кундаги чет эл валютасидаги инвестиция лойиҳаларига кириб келган маблағлар кўзланган мақсадларга эришини таъминламаяпти. Бунинг натижасида хорижий кредит линиялари орқали маҳаллий банклар томонидан маҳаллий резидентларга кредит шаклида берилган бу маблағларни қайтиши мураккаблашиб, банкларнинг кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг салмоғи ошиб бормоқда.

Ушбу ҳолатни вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва сабабларини билган ҳолда ўни ўз вақтида соғломлаштириш ҳамда шундай ҳолатларга вужудга келмаслиги учун республикамиздаги тижорат банклари кредит сифатида маҳаллий резидентларга берган маблағларини ўз вақтида аниқ ва чуқур мониторинг ўтказиш зарурати вужудга келади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиявий маблағлар, энг камида эса, молиявий асос керак бўлади.

Бунда энг оддий ва ишончли молиялаштириш манбаи бўлиб, хусусий мулк эгаларининг корхонага у ёки бу шаклда киритган маблағлари хисобланади. Аммо, масаланинг мураккаб томони шундан иборатки, янги бошловчи тадбиркорда одатда етарли маблағ бўлмайди. Дўне тажрибасида бу каби муаммолартурли хил ечимини топган бўлиб, лекин уларнинг мазмуни бир хил: маблағларга эга бўлган қандайдир шахе (инвестиция фонди, банк, давлат) янги боғловчи тадбиркор билан янги, демакки, ўзига яраша хатарли бизнесни бошлашга рози бўлиши ҳамда ўз маблағларини ушбу бизнесга йўналтириши керак.

Замонавий шароитларда шу нарса маълум бўлдики, тадбиркорлар учун молиявий маблағларни етказиб берувчи ягона ва асосий манба сифатида тижорат банки қатнашар экан. Шунда ҳам банк, бу маблағларни тадбиркор билан бирга ишлашдан манфаатдор бўлсагина беради. Банкда тадбиркор билан бирга ишлаш истаги фақатгина инвестиция лойиҳаси фойдали ва ишончли бўлса, шунингдек, банкда зарур бўлган молиявий маблағ етарли бўлсагина пайдо бўлади. Қадимги Юнон файласуфи Арасту сўзлари билан айтадиган бўлсак, фойда ҳамма ерда мавжуд, фақат унга эришиш учун иккита шарт-шароитга риоя қилиш лозим: туб мақсадни тўғри белгилаш ва унга эришиш учун керакли воситаларни тўғри танлаш лозим.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак банклар томонидан мониторинг бўлими ва у бўлимни тартибга солувчи меъёрий хужжат ишлаб чиқилиши керак ва бу бўлим ҳар бир инвестиция лойиҳаси хусусиятидан келиб чиқиб лойиҳани мониторинг қилишни мақсад ва вазифаларини белгилаб бериши керак. Демак инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишда уларни ҳар бири учун алоҳида мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилиши керак.

ХУЛОСА

Халқаро молия ташкилотларининг кредитларини мамлакатимизга жалб этишни кўриб чиқар эканмиз, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қулай инвестиция муҳитини шакллантириш юзасидан жуда катта ишлар қилинганлигини гувоҳи бўламиз.

Хорижий кредитларни мамлакат иқтисодиётига турли ҳил шаклларда жалб қилиш мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий кредитлар асосан халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари орқали кириб келмоқда. Республикамизда кредит йўналишлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Германиянинг ривожланиш кредит агентлиги, Халқаро молия корпорацияси томонидан очилиб, уларнинг асосий мақсади тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун маблағлар ажратишдир.

Республикамизда хорижий банклар кредит йўналишларининг очилиши тижорат банклари олдида бу ресурслардан самарали фойдаланиш масаласини пайдо бўлишига олиб келди. Кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида банклар қатъий валютада ўзини қоплайдиган, экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган, экологик жиҳатдан безарар, шунингдек, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларгагина кредит берадилар.

Хорижий банкларнинг кредит йўналишлари бўйича лойиҳаларни молиялаштириш механизмининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш орқали ўни ҳозирча республикамизда етарли даражада ривожланмаганлигини гувоҳи бўламиз. Чунки, ҳукумат қафолати остида жалб этилаётган маблағлар миқдори кескин пасайиб бормоқда.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий иқтисодий таҳлил қилишда халигача валюта курсларини ўзгаришлари таҳлил жараёнларида тўлиқ ўз

аксини топмаяпти. Экспортга мўжалланган товарларни ички ва чегаравий нархлари, валютага ва иш ҳақиға бўлган яширин нархлар ҳамда фойдани харажатларга нисбатан коэффициенти қўлланилмаяпти. Шуларга қўшимча равишда инвестиция лойиҳаларини банкларимиз томонидан молиявий иқтисодий таҳлил қилишда динамик усулнинг соф жорий қиймат кўрсаткичини дисконтлаш коэффициента нимага асосан ҳисобланиши ўрганилмаганлигини айтишимиз мумкин.

Мониторинг жараёнига аҳамият берадиган бўлсак катта инвестиция лойиҳалари учун аниқ ёки ўз самарасини берадиган дастур ишлаб чиқилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Ундан ташқари бугунги кунда, яъни бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш жараёнида банкларда инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш менежер томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Бу албатта катта стратегик инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда битирув малакавий ишида кичик бизнес субъектлари фаолиятини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари асосида кредитлаш бўйича қуйидаги муаммолар аниқланди:

1. Ишлаб чиқиш босқичида — лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишининг сифатсиз тузилиши ва ишлаб чиқилиши, лойиҳани ва лойиҳа ҳужжатларини жорий этиш, лойиҳани амалга ошириш стратегиясини шакллантириш заруратининг етарлича чуқур баҳоланмаганлиги;

2. Амалга ошириш босқичида - объектив шарт-шароитлар туфайли юзага келган ўзгаришларни жорий даврда ўз вақтида лойиҳани амалга ошириш жадвалига киритилмаганлиги, бу асосланмаган сарф-харажатларнинг қўпайишига ва мажбуриятлар бўйича ортиқча комиссиялар тўланишига олиб келади;

3. Лойиҳани амалга ошириш тугаганидан сўнг - ажратилган заём бўйича маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги, лойиҳанинг якуний мақсадларига эришилмаганлиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилишдан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектлари фаолиятини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари бўйича ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиявий иқтисодий таҳлилини ва мониторингини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Хорижий банкларнинг кредит йўналишлари бўйича лойиҳаларни тайёрлаш босқичида уларни чуқур ишлаб чиқиш, муайян лойиҳани амалга оширишга бевосита алоқаси бўлмаган дастлабки шарт-шароитларни қисқартириш;

2. Хорижий банкларнинг кредитларини жалб этишда бевосита инвестициялар ва грантлар ҳисобига беғараз молиялаштириш улушини ошириш;

3. Халқаро молия институтлари билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар мониторингининг ва уларни баҳолашнинг ички элементларини ишлаб чиқиш, яъни динамикли усулнинг соф жорий қиймат ва фойда ички меъёри кўрсаткичларидан ташқари оддий ва дисконтлаштирилган қоплаш муддати кўрсаткичидан ҳамда рентабеллик индексида ҳамда фойдани харажатларга нисбати коэффициентидан фойдаланиш;

4 Инвестиция лойиҳаларини молиявий иқтисодий таҳлил қилишда банкларнинг компьютер дастурларини янгисиги ўзгартишириш ёки мавжуд дастурларни қайтадан ушбу таклифлар бўйича мослаштириш.

Умид қиламизки, келтирилган таклифларни амалда қўлланилиши маълум даражада хорижий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш ва Ўзбекистоннинг Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, 2003 й. 11 декабр.
5. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 609-І.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори 24.07.2008 й. “Халқ сўзи” газетаси. 25.07.2008 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2010 йил 26 ноябр.
8. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2001 й. 25 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами. Т.Ўзбекистон 2011 й. 448 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. Т.Ўзбекистон 2011 й. 456 б.

11. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон. 2011.

13. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. –Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.–588 б.

14. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

15. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлиги. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007.–184 б.

16. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Ташкент: НУРТ, 2003.–278 с.

17. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини таритибга солиш методологиясини такомиллаштириш.Т. “Фан ва технология”,2007й.286б.

18. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения и финансовые отношения.–Москва: Финансы и статистика, 2001, -184 с.

19. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. –Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007. 35– 71 б.

20. Расулов Т.С. Халқаро валюта муносабатлари назарияси. –Тошкент “Молия”, 2008. -59 б.

21. Тожиев Р. Р. "Халқаро валюта-кредит муносабатлари". Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2009 йил, 301-б.

22. Интернет сайтлари:

www.bankir.ru

www.cer.uz.

www.bma.uz

www.cbu.uz

